

2022 йил – инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари

3-сон
(4075)

2022 йил
19 январь
ЧОРШАНБА



Дўстлик байроғи

Газета 1983 йил 1 январдан чиқа бошлаган • НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ • dustlik@umail.uz • t.me/navoinews_official

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида

Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт йўналишларида инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6199-сон фармони ҳамда 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПК-5054-сон қарори мувофиқ:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда, 10 АҚШ доллари, қиш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 25 АҚШ доллари миқдорида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 майдан бошлаб ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳар бир ташаббускорга 50 миллион сўм миқдорида, жами 10 миллиард сўмгача грантлар ажратилди. Бунда:

грант маблағлари онлайн тўловларни қабул қилувчи замонавий веб-сайт яратишга, хорижий мамлакатлардаги туризм кўргазма ва ярмаркаларида иштирок этишга йўналтирилади;

грант маблағлари белгиланган тартибда хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига уч йил давомида камида 200 нафар хорижий туристлар учун тур ташкил қилиш шарти билан ажратилди.

Бош вазир ўринбосари А.А.Абдухакимов 2022 йил 1 мартга қадар ёш тадбиркорларга грант ажратиш тартибини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги "Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-5232-сон қарорига мувофиқ, Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий молиявий манбаи ҳисобланган туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш 2021 йил 1 сентябрдан тўхтатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) 2022 йил 1 февралдан 2023 йил 1 январга қадар Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳар ойда

2,5 миллиард сўм миқдоридаги қўшимча трансфертлар Давлат бюджетидан ажратилишини таъминлансин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдухакимов):

а) мазкур фармоннинг 3-бандига мувофиқ ажратилаётган маблағларни Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибиде белгиланган мақсадлар, шу жумладан, ҳудудлардаги салоҳиятли туризм объекти ва масканларини бирламчи чораларни кўрган ҳолда туристлар ташрифи учун тайёрлаш ва уларни тарғиб қилиш, хорижий туризм ва спорт ярмаркаларида, кўргазмаларда, лойиҳалар ва дастурларда қатнашиш, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирсин ҳамда улардан тўғри ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Бунда, Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини қўшимча рағбатлантириш улар фаолиятининг натижадорлиги (KPI) ва эришилган ютуқларга қараб амалга оширилади;

б) Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш юзасидан шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин;

Туризм ва спорт вазири ўринбосари З.О.Казаков Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағлар тушиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш юзасидан шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин;

в) Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунга мазкур фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 январь

ЎЗА

ВИЛОЯТ РАҲБАРИ КАРМАНА ВА ХАТИРЧИДА аҳоли муаммоларини уйма-уй юриб ўрганди

Мамлакатимизда ҳудудлардаги эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маҳаллабай ишлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаб, ўз вақтида ва жойида ҳал этиш бўйича янгича тизим жорий этилди.



Шунга кўра, 17 январь куни Навоий вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Нормат Турсунов Кармана туманидаги "Кумушкон" маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, ҳудуд аҳолисининг муаммо ва таклифларини ўрганди.

Одамларни қийнаб келаётган масалалар ечимини таъминлаш, аҳолининг қўшимча даромад топиш имкониятларини яхшилаш мақсадида хонадонма-хонадон юрган вилоят раҳбарига туман ҳокими Ф. Умаров ҳамда бир қатор тизимларнинг вилоят ва туман бўлинмалари мутасаддилари ҳамроҳлик қилдилар.



ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ МУНОСИБ ЭЪЗОЗДА

14 январь куни эрта тонгдан Навоий вилояти ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирокида Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли кучларимиз ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Кармана туманидаги "Мотамсаро она" ҳайкали пойига ҳарбий оркестр садолари остида гулчамбарлар қўйиб, эҳтиром кўрсатдилар.



Шундан сўнг вилоят ҳокимлигининг маросимлар залида ушбу шонли байрам муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.



ВИЛОЯТ РАҲБАРИ КАРМАНА ВА ХАТИРЧИДА

аҳоли муаммоларини уйма-уй юриб ўрганди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда). таъминлаш бўйича кўрсатма берди.

Дастлаб Н.Турсунов Кумушкон кўчасининг шарт-шароитларини ўрганиб, ушбу кўчадаги 3-хонадон

Шу билан бирга, ушбу кўчадаги 17-хонадони эгаси С. Нуруллаеванинг муаммолари тингланиб, оилавий

тартибда кредит ажратиш чоралари белгиланди.

Шунингдек, ҳудудда Биогумус органик ўғити ишлаб чиқариш объекти фаолияти ўрганилиб, туман раҳбариятига мазкур ўғитни лаборатория текширувидан ўтказиш чораларини кўриш ва натижасига кўра ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш юзасидан вилоят ҳокимлигига таклиф киритиш вазифаси топширилди.

Аҳоли билан учрашув чоғида ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро Л. Холмирзаева вилоят раҳбарига ўзи бошқараётган "Замирахон-2019" МЧЖ корхонасига ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун 400 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит маблағи ажратилишида ёрдам сўради. Ушбу масаланинг тез кун-

тонга боровчи ички йўллар ва кўприкнинг ҳолати ўрганилиб, таъмирланиши, кумшағал ётқизиш ва асфальтлаш, аҳолини газ билан боғ-

цеҳи ташкил этиши учун таъмирлаш, шунингдек мазкур цехга ишчиларни жалб қилиб, уларни ўқитиш ҳамда ўзининг соғлигини тиклаш



соҳиби У.Холмўминов билан суҳбатлашди ва муаммоларини тинглади. Хонадон даромадини ошириш мақсадида шу жойнинг ўзида субсидия асосида 1,5 сотихлик иссиқхона қуриб берилишига қарор қилинди. Шунингдек, оғир шароитда яшаётган отахон ҳовлиси қисқа муддат ичида таъмирланиб, томорқасига мевали кўчатлар ўтқазилишини таъминлаш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Кейинги манзил Чаманзор кўчаси 27-хонадонга бўлди. Хонадондаги қуриб

даромадларини яхшилаш мақсадида қисқа муддатларда иссиқхонасини қайта таъмирлаш ҳамда парранда билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Шунингдек, вилоят раҳбари ташрифи давомида "Кумушкон" МФЙда 50 дан зиёд хонадонга бирма-бир кирилиб, аҳолининг коммунал соҳадаги, ички йўлларни таъмирлаш, янги мактаб биноси қуриш, кредит, ишсизлик каби масалалардаги муаммо ва ва таклифларини тинглади.

Кун давомида тингланган аҳолининг муаммо ва



лиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича муддатли топшириқлар берилди.

Шунингдек, вилоят раҳ-

уҳун моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги мурожаатлари ўз ечимини топадиган бўлди.

"Оқтепа" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Ҳ. Ўролов ҳам бир қатор масалалар бўйича мурожаат қилиб, вилоят раҳбаридан уларни ижобий ҳал этиш юзасидан ёрдам беришни сўради. Шунга асосан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан биргаликда қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаронинг оиласини тиклашига амалий кўмак бериш ва унинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш қатъий белгиланди.

Шунингдек, вилоят раҳбари томонидан масъулларга Хатирчи туманидаги йўл-



ларда ижобий ечимини таъминлаш бўйича вилоят Марказий банк бош бошқармаси ва бошқа масъулларга топшириқлар берилди. Шу билан биргаликда, мазкур масала юзасидан сусткашликка йўл қўйган масъулларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Ҳудуднинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, вилоят раҳбари масъулларга "Миёнқол" МФЙда узумчилик бўйича экспорт қилувчи кластер корхонасини ташкил этиш юзасидан таклиф киритишни топширди.

Н.Турсунов ташрифи чоғида аҳоли мурожаатларини инобатга олиб, ҳудуднинг "Олмазор" кўчасидаги

бари туманнинг "Тасмачи" ва "Оқтепа" маҳаллаларида



ҳам бўлиб, аҳоли мурожаатларини тинглади.

Жумладан, "Тасмачи"



битказилган енгил конструкцияли интенсив балиқхона билан танишилди.

— Мазкур балиқхонанинг қулайлиги шундаки, етиштирилаётган маҳсулот бозорини излаб қийналиб юрилмайди, — дейди **хонадон эгаси Ё. Умаров**. Аксинча таминоччи тадбиркорнинг ўзи қулай нархларда маҳсулотимизни сотиб олади.

Ушбу хонадонга ҳам енгил конструкцияли замонавий иссиқхона қуриб бериш ишлари мутасаддиларга топширилди.

Уйма-уй юриш давомида Миришкор кўчасидаги 42-хонадон эгаси Қ. Отамуродова молиявий жиҳатдан қийналаётганлиги сабабли уйини таъмирлашда амалий ёрдамга муҳтож эканлиги маълум бўлди. Вилоят раҳбари ушбу хонадонни таъмирлаш ва даромадини яхшилаш мақсадида чорва ҳамда парранда билан

таклифларини қисқа муддатларда масъулият билан бажариш вазифаси мутасаддиларга топширилди.

Н. Турсунов мазкур ҳудуддаги аҳолининг муаммоларини бартараф этиш ва турмуш шароитини яхшилаш борасидаги барча топшириқларни ўз шахсий назоратига олгани ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича яқин кунларда қайта ўрганиш олиб боришини таъкидлади.

18 январь куни эса Нормат Турсунов Хатирчи туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига ташриф буюриб, мавжуд муаммоларни жойида ўрганди.

Вилоят раҳбари дастлаб ҳудуддаги "Миёнқол" МФЙда бўлди. Ўрганиш доирасида хатлов натижаларига кўра аниқланган ҳудудда яшовчи 23 нафар кредитга эҳтиёжи бор фуқарога қонунчиликда белгиланган



барча эски сим-ёғочларни янгисига алмаштириш, тегишли йўл ҳаракати белгиларини ўрнатиш, қабрис-

МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Н. Хомидованинг бандлик, маҳалла биносининг 2-қаватини тикувчилик

ларнинг ҳолатини ўрганиб чиқиб, таъмирлаш чораларини кўриш, туманни тўлиқ электрлаштириш масаласи бўйича таклифлар киритиш, ҳудуддан оқиб ўтган канални тозалаш борасида ҳам қатор вазифалар юклатилди.

Умуман олганда, Н.Турсуновнинг Хатирчи туманига ташрифи доирасида фуқароларнинг 70 дан зиёд шахсий ва ижтимоий мурожаатлари ўрганилиб, аниқланган муаммолар юзасидан тегишли ташкилот ва корхоналар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича масъулларга муддатли вазифа ва топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз.

ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ МУНОСИБ ЭЪЗОЗДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастлаб давлатимиз мадҳияси билан бошланган тадбирда вилоят раҳбари Нормат Турсунов йиғилганларни юртимиз тинчлиги ва халқимизнинг осуда ҳаётини тараннум этувчи айём — Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 30 йиллиги байрами билан қутлади.

Тадбирда бир гуруҳ ҳарбийлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ҳамда соҳа фахрийлари "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил" эсдалик нишони ҳамда вилоят

қўшимча маъсулият юклайди.

Қайд этиш жоизки, қутлуғ сана арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, Ватанимиз мустақиллиги, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бора-



хокимлигининг фахрий ёрлик, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий армиямизда ҳам мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди **ҳарбий хизматчи Суҳроб Ғаниев**. — Сўнгги беш йилда миллий армиямиз тизимида амалга оширилган ижобий ўзгаришларни таъкидламасликнинг иложи йўқ: тизимнинг моддий-техник базаси тубдан янгиланмоқда, ҳарбий хизматчилар, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қатор имтиёзлар берилмоқда. Энг муҳими, халқнинг Ватан ҳимоячиларига бўлган ишончи ортиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан мен ҳам яратилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тузилмалари ўртасида ўтказилган "Посбониман муқаддас юртнинг" номи кўрик-танловда иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритдим. Бу эса, ўз навбатида, менга

сидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ соҳа фаоллари мукофотланди. Улар орасида вилоятимиз вакиллари — Ички ишлар вазирлиги Навоий вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш бўйича махсус отряди бош мутахассиси Азиз Абдувоҳидов ва Навоий ҳарбий прокуратураси терговчиси Санжарбек Бахронов "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани қувонарлидир.

Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли кучларимиз ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида давом этди.

Бу ерда ҳарбийлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, фахрийлар ва уларнинг оила аъзолари учун карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда байрам концерти ташкил этилди.

Тантанали байрам кечасида вилоят раҳбари Нормат Турсунов тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан йўлланган байрам тадбирини ўқиб эшиттирди ва тадбир иштирокчиларни яна бир бор ушбу улуг айём билан қутлади.

Тадбир вилоят маданият бошқармаси бадий жамоалари концертига уланиб кетди.

Йиғилганлар Ватан, юртга муҳаббат ва садоқат, ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида янграган ва миллий куй-қўшиқлардан бахраманд бўлдилар.

Ўз мухбиримиз.

Вилоят нафаси

НАВБАҲОРЛИК 2 НАФАР ЎҚИТУВЧИ "КОБАЛЬТ" СОҲИБИ БЎЛДИ

Навбаҳор туманида 2020/2021 ўқув йилида мактаб битирувчиларининг 76,6 фоизи олий таълим муассасаларига қамраб олингани ҳудудда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, ўқувчиларга юқори сифатли таълим бераётганини англатади.



Туман ҳокими Л.Облақулов ўқитувчиларнинг нуфузини янада ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, мотивация бериш мақсадида фаолияти давомида юзлаб битирувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга киришига шахсий ҳиссасини қўшган ҳудуддаги

1-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Соҳиба Наврўзова ва 20-умумтаълим мактабининг география фани ўқитувчиси Обиджон Сайдахметовга "Президент совғаси" сифатида "Кобальт" автомашиналарини топширди.

ҲОКИМ ВАЪДАСИНИ БАЖАРДИ

Қўллаб қизилтепаликлар "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" акцияси доирасида маҳаллаларда фаоллик кўрсатишмоқда.



Қизилтепа тумани ҳокими У. Файзиев ҳудуддаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гимнастика залида бадантарбия машғулоти билан шуғулланаётган бир гуруҳ фаол хотин-қизлар билан учрашганида уларга зарурий анжомлар ҳамда спорт кийимлари совға қилишни ваъда берган эди. Ҳокимнинг ушбу ваъдаси амалга оширилиб, барча шуғулланувчиларга спорт кийимлари ва 17 турдаги 73 та спорт анжомлари совға қилинди.

"КЎКПАТАС"ДА САЙЁР ХИЗМАТ КЎРСАТИЛДИ

Учқудук тумани Давлат хизматлари маркази ходимлари томонидан "Кўкпатас" МФЙ ҳудудида жойлашган 8-сонли "Куёнча" давлат мактабгача таълим ташкилотига сайёр Давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусан, бу ерда 25 нафар болани ДМТТга жойлаштириш учун аризалар қабул қилиниб, барчага электрон рақамли имзо калитлари олиб берилди.



Ислоҳот ва таҳлил

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ КАСБИЙ
ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ
ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги ривожланиб бораётган жамиятда барча соҳаларда ҳар кун янгиланишлар, ўзгаришлар юз бериб янги тушунча ва ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Бу эса ҳар бир давлат хизматчисидан доимий равишда ўз малакасини ошириши лозимлигини талаб этмоқда.

Шунинг учун, малака ошириш раҳбар ва ходимларнинг ўз мутахассисликлари бўйича сўнгги фан ютуқлари, соҳаларга кириб келган янги тушунчалар билан танишиш, уларни ўзлаштириш, амалиётда қўллаш бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш учун муҳим ҳисобланади.

Шундай экан, давлат фуқаролик хизматчисининг малака оширганлиги давлат ташкилотлари ва органларининг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Маълумки, бугунги кунда республикаимизда мавжуд малака ошириш институтлари, марказлари ва нодавлат таълим муассасалари барча давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган давлат хизматчиларини қамраб олиш учун етарли эмас.

Бу эса бугунги ривожланган даврда малака ошириш институтлари ва уларнинг таълим услубларини ислоҳ қилиш, хориж тажрибасини қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Lifelong Learning (умр давомида ўқиш) — тамоийли асосида узлуксиз таълим тизимини жорий қилиш, давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган давлат хизматчиларининг доимий равишда малакаси ва касбий тайёргарлик даражасини ошириш, уларни янги билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш зарур.

Франция, Бирлашган Араб Амириклари, Буюк Британия, АҚШ, Сингапур, Хитой, Жанубий Корея ва Германия каби давлатларда давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малака оширишлари самарали йўлга қўйилган.

Масалан, Германия Федерал давлат бошқарув академиясида ўқув жараёни давомида тингловчилар ўз назарий билимларини амалиётда олган кўникмалари билан мустақамлаб боришади. Давлат хизматчиларини ўқитишнинг немис модели малака оширишнинг бир неча босқичларини ўз ичига олади. Яъни, янги ишга кирган давлат хизматчилари малакасини ошириш, мутахассислиги бўйича малакасини ошириш ва юқори лавозимга ўтиш учун малака ошириш.

Мазкур малака ошириш турлари икки хил тоифага бўлинади, яъни давлат хизматчилари ўртасида тегишли билим даражасини таъминлаш ҳамда уларнинг ўзгаришларга мослашишига қаратилган бўлади.

Японияда ҳар битта меҳнат билан машғул давлат хизматчисининг малака ошириши, яъни унинг таълимига Америкага қараганда 3-4 баравар кўпроқ вақт ва маблағ сарфлашар экан. Японияда узлуксиз таълимга меҳнат жараёнининг бир қисми сифатида қаралади.

Япониядаги ташкилотларда, фирмаларида касбий тайёргарлик, яъни касбий таълим асосида "мослашувчан ходим" концепцияси ётади, унинг мақсади ходимларни битта эмас, балки 2-3 та мутахассислик бўйича тайёрлаш, ундан сўнг бутун ҳаёт давомида унинг малакасини ошириб боришга қаратилган.

Шунингдек, кўпгина ғарбий Европа мамлакатларида узлуксиз таълим — умр бўйи ўқиш тизими жорий этилган. Ушбу тизим малака оширишга янги ёндашувлардан бири бўлиб, бу узлуксиз равишда янги билим ва кўникмаларни

эгаллашдан иборатдир.

Шуни тан олиб айтишимиз керакки, бугунги кунда ташаббускор, креатив ва теран фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, ўз дунёқарашига эга бўлган давлат хизматчиларини тайёрлаш ҳар доимгидек долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида етарли миқдорда зарур ва юқори малакали кадрларга талабнинг ортиши меҳнат бозоридаги асосий муаммолардан биридир.

Жаҳон тажрибасида бундай муаммони "skills gap" — яъни кадрлар бўшлиғи, деб номлашади.

Бундай муаммонинг асосий сабабларидан бири, мутахассис ходимларнинг миқдорий жиҳатдан йўқлиги эмас, балки фаолият турига қараб уларнинг зарур малака ва компетенцияга эга эмаслиги ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан айтганда инсон ресурсларини ривожлантириш, жумладан, ходимлар малакасини ошириш бугунги куннинг асосий талабларидан биридир.

Айниқса, дунё тараққиёти шиддати, унда кечаётган воқеалар ривожини барча соҳалар каби давлат фуқаролик хизмати соҳасига ҳам янги ёндашув, инновацияларни татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Аввало бу, Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида белгиланган ислохотларни амалга оширишда энг муҳим ўрин тутадиган давлат хизматчилари касбий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш, жараёнга энг замонавий ва илғор ахборот ҳамда таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларда ҳам кўринмоқда.

Бугун ҳар доимгидан долзарб бўлиб турган ушбу жараёни замон талабларига мос кўринишда ташкил этиш лозим.

Маълумки, "Малака ошириш" атамаси мавжуд тизимни ифодаловчи сўз сифатида қўлланилиб келинса, халқаро тажрибада "касбий ривожланиш" маъносида қўлланилади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасида Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш белгиланганлиги ва бунда Давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳам назарда тутилганлиги айтиш мумкин.

Мамлакатда давлат хизматчиларининг касбий даражаси ва интеллектуал салоҳияти юқори даражада бўлиши иқтисодиёт реал секторида инновацион фаолиятни ривожлантиришга замин яратиш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Натижада жамият аъзолари эҳтиёжининг қондирилиши доимий равишда таъминланиб борилади.

Аброр ЛАТИПОВ,
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали бош инспектори.

Таълим чорраҳаларида

Давлатимиз томонидан юртимизда хорижий тилларни ўқитилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Минглаб чет тили ўқитувчилари тайёрланганлиги, кадрларнинг она ватанимизда ва хорижда малака оширишлари учун барча шароитлар яратиш берилганлиги, таълим муассасаларида замонавий лингафон хоналарининг ташкил этилганлиги бунинг яққол исботидир.

ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИ УЧУН
ЯНА БИР ИМКОНИАТ

Ёш авлод чет тилларни ўргатиш ҳамда шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш, унинг жаҳон тамаддуни ютуқлари ҳамда бутун дунё ахборот ресурсларидан фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш давлатимизнинг асосий эътиборида турибди. Шу сабабдан нафақат чет тили мутахассислари, балки тилга ихтисослашмаган олий ўқув юртларида таҳсил олаётган барча бўлажак кадрлар чет тилларини ўрганиб, уларда эркин фикр алмаша олиши гоё муҳим вазифалардан саналади. Халқимизда "Тил билган эл билади", деган ҳикматли гап бор. Ҳақиқатан ҳам, хорижий тилни билган киши кўп томонлама имконият ва устунликларга эга бўлади. Бугунги кунда кадрлар олдида қўйиладиган асосий талаблардан бири чет тилларини мукамал билишдир.

Хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан яхшилаш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиз миқдорида қўшимча устама ҳақи тўлаш белгиланган. Шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг камида С1 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчилари аттестация жараёнида малака синови учун максимал балл билан баҳоланиб, хорижий тил модули бўйича синовдан озод этилди.

Бунда мазкур сертификатни олиш муқобил малака ошириш шакли сифатида тан олиниши белгиланган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ойлик иш ҳақида қўшимча миқдорда устама олишни истаган инглиз тили ўқитувчиларига мўлжалланган "Aptis for teachers" тести ўтказиб келинмоқда. "Aptis for teachers" сертификатига эга инглиз тили ўқитувчиларига унинг амал қилиш муддати 2 йил давомида асосий иш ҳақининг фоизи миқдорида устама берилади.

Инглиз тили ўқитувчилари учун "Aptis for teachers" тест синовлари ҳар ойда бир марта вилоятларда ва Давлат тест марказида ўтказилади.

"Aptis for teachers" тестларининг тузилиши ва форматида ДТМ ва British Council томонидан ўтказиладиган тестлар ўртасида фарқлар йўқ. Ўтказилган тест синовининг номзодлар томонидан тақдим этилган жавоблари Global British Council баҳолаш гуруҳи томонидан масофадан туриб баҳоланади.

"Aptis for teachers" тест синовлари Давлат тест маркази ходимлари назоратида компьютерда ўтказилади. Тест синови натижалари номзодларнинг шахсий кабинетда тест синови ўтказилган вақтдан бошлаб 72 соат ичида эълон қилинади. Британия Кенгаши номзоднинг талабига биноан тест натижалари ҳисоботини тақдим этиши мумкин. ДТМ маълумотномалари номзоднинг натижалари CEFR шкаласи бўйича "С" даражасига тўғри келганда тақдим этилади.

"Aptis for teachers" тест синовларининг формати ва намунавий тест материаллари билан танишиш учун Давлат тест марказининг расмий веб сайти орқали маълумот олиш мумкин.

Инглиз тили ўқитувчилари учун яратилган бундай имкониятлар уларнинг моддий манфаатларини ошириш билан бирга, шубҳасиз, таълим сифатини яхшилашга хизмат қилади.

А. ЎРОЗОВ,
ДТМ Навоий вилояти бўлими бош мутахассиси.

Зарафшон Навоий вилоятининг иккинчи йирик шаҳри ҳисобланади. У вилоят марказидан 200 километр узоқликда жойлашган. Зарафшон 1960-1970 йилларда қурила бошланган бўлиб, асосан саноатчилар шаҳри-дир. Зарафшоннинг тикланишига эҳтиёж туғилиши ҳам айнан у ердан топилган тилла конлари билан боғлиқ. Навоийдан бу шаҳарга етгунча бийдай саҳродан ўтиладиган йўллар атрофида юлғун, шувок каби чўл ўсим-ликлари кўзга ташланади.

Айтишларича, Зарафшоннинг шувоклари таркибида ҳам олтин бор экан. Мурунгов кони шаҳарнинг асосий саноат базаси бўлиб, аксарият аҳоли бандлиги шу корхонада таъминланган. Аҳолининг яшаш шароити яхшилаш, қулай ва шинам замонавий архитектура намуналарини бунёд этиш, фаровон турмушни шакллантириш мақсадида ҳудудда изланаётган кўплаб масъуллар қаторида архитекторларнинг ҳам ўз ўрни бор. Вилоят қурилиш бош бошқармаси архитекторлари билан Зарафшон шаҳрининг қурилиш соҳасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш, танишиш мақсадида олис ҳудудга йўл олди.

"Олтинтопарлар" шаҳрига бундан 10 йиллар муқаддам келган одам бугун бу жойларни танимаслиги рост. Янгидан қурилиб, ишга тушган савдо комплекслари, ижтимоий соҳа объектлари, мактаб, боғча, маъмурий бинолар, аҳоли турар жой комплекслари ҳисобида шаҳар янада кўркам тус олган, йўллар кенгайиб равон бўлган, пиёдадан машина бошқарган кўп. Бу ҳам одамларнинг яшаш тарзи яхшиланганидан дарак беради.

Бизни қарши олган шаҳар архитектори, қурилиш бўлими бошлиғи Ўткир Турдиев бунёдкорлик ютуқларидан ҳайратланганимизни кўриб, бу ҳали ҳаммаси эмаслиги, энг катта ўзгаришлар олдинда эканлигини йўл-йўлакай тушунтириб кетди.

— 2020 йил 25 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2020-2022 йилларда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисо-

да Дастурга киритилган лойиҳалар ижросини таъминлашда лойиҳа ташаббускорларига ер участкаларини танлаш ва ажратиш ишларини Зарафшон шаҳрининг бош режасига асосан амалга ошириш белгилаб берилди. Натижада инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва си-

фатли амалга оширилишини ҳамда янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Ўтган йилда шаҳардаги 13-14 кичик туманларининг 110 гектар ер майдонининг батафсил режаси ишлаб чиқилиб, унда



100 дан ортиқ кўп қаватли турар жой бинолари, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиши режа асосида босқичма-босқич олиб боришмоқда. Ўқув маркази, сузиш ҳавзаси, 100 ўринли меҳмонхона бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 50 сотих ерга 2 қаватли "Гооп маркет" савдо мажмуаси, 1 гектар ерга "Умид" жисмоний имконияти чекланган болалар боғчаси қуриб берилди. Бандликка кўмаклашиш маркази ва Ве-

кўзга ташланади. Унинг атрофи аҳолининг муносиб ҳордиқ чиқариши учун ҳозирлаб берилган. Янги қурилган савдо мажмуаларга харидорлар серкатнов. Шаҳарнинг жанубий-шарқий ҳудудларида янги қурилатган кўп қаватли иморатларда иш қизғин, кўтарма кранлар, булдо-зерлар ёрдамида қурувчилар кўли-қўлига тегмай меҳнат қилмоқда.

Шаҳарнинг бош режасига кўра, 13 ва 14-кичик туманларда 150 дан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, бу ишлар босқичма-босқич олиб боришмоқда. 2000-2018 йиллар давомида бор йўғи 8 та кўп қаватли турар жойлар қурилган бўлса, 2018-2020 йиллар давомида 10 та кўп қаватли 770 та хонадонли уй қурилиб фой-

даланишга топширилди. Жорий йилда 20 та кўп қаватли 1500 та хонадонлар қурилиш арафасида. Шунингдек, 2025 йилга қадар 150 та кўп қаватли 10 мингдан ортиқ хонадонлар қурилиши кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, қаерда яхши ша-

роит, ишлаш имкони бўлса, аҳоли ўша ҳудудларга интилади, кўчиб боради. Бугун Зарафшон ҳам том маънода янги ишга туширилаётган объектлар ҳисобида кўплаб қўшимча иш кучини қабул қилиб олаётган, янги турар-жойларга эҳтиёж ортиб бораётган ҳудудга айланди. Бунёдкорлик, янгиланишлар кўзга ташланган Зарафшоннинг олтин бешиги бўлган Мурунгов конида шаҳар аҳолисининг аксарият қисми меҳнат қилади. 2-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш мажмуаси қувватини ошириш мақсадида "Мурунгов" кони таркибида Чуқурқудук, Бессапантау, Балпантау ва Томдибулоқ каби янги конларни очиш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, инвестиция лойиҳалари ва инновацион гоёларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилаётгани қўшимча иш кучи билан бирга, янги турар-жой биноларини қуриш, ижтимоий соҳа объектлари, савдо мажмуаларига эҳтиёжни оширади. "Санъатчилар шаҳарчаси" қурилишига бўлган эҳтиёж ҳам ана шу жиҳатларни ўз ичига олади. Бугун Зарафшон шаҳрининг ер майдони 2618 гектарни ташкил этса, эндиликда 14276 гектарга кенгайтирилган экан. Дарҳақиқат, бу ҳақида Президентимиз алоҳида таъкидлаб, Навоий ва Зарафшон шаҳарларида аҳоли сони ортиб бораётгани ва уй-жойга бўлган талаб юқорилигини ҳисобга олган ҳолда Зарафшон шаҳри ҳудуди кенгайтирилиб, қўшимча 30 минг аҳоли яшаши учун замонавий инфратузилмага эга бўлган "Санъатчилар шаҳарчаси" қурилиши ҳақида айтиб ўтган эди.

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими мутахассиси

Обод манзиллар

Зухриддин Убайдуллаевнинг таъкидлашича, шаҳар асосан Томди тумани ҳудудига қараб кенгайди. Бунинг учун батафсил бош режа ишлаб чиқилган. Ажратилган ҳудудда қурилиш ишлари Ер кодексига кўрсатилган муддатларда қуриб битказилиши, Муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини жадал ривожлантириш ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши бўйича ишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, шаҳарда бугунги кунда 1 та кичик саноат зонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, яқин орада уларнинг сонини 3 тага етказиш режа қилиб олинган.

Мавжуд кичик саноат зонасида 2 та лойиҳа — "Артур стал" МЧЖ томонидан қуйма темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва "Искандар гранд инвест" МЧЖ томонидан жун маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳалари тўлиқ ишга туширилди. 2021 йилда 1 та 0,8 гектар ер майдонда ва 1 та 10,3 гектар ер майдонларида янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ишлари ҳам

бошлаб юборилган бўлиб, 0,8 гектар ер майдонига лойиҳаларни жойлаштириш 2022 йил январь ойи охирига қадар якунига етказилади. Бу саноат зонасига замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилмоқда. Ҳисоб-китобларга

кўра мана шу иккита саноат зонасига 47 та ишлаб чиқариш лойиҳаларини жойлаштириш режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳалар доирасида камида 25 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши прогност қилинмоқда.

— Йилдан йилга шаҳримиз кўркамлашиб, замонавий бино ва иншоотлар сони ортиб борапти, — дейди **"Олтин водий" маҳалласида яшовчи Хайрулло Жумаев**. — Бундан анча йиллар аввал бармоқ билан санагулик дўкон, савдо нуқтаси бор эди, бугун ҳар қадамда дўкон, йирик савдо мажмуалари, дам олиш масканлари, сайлгоҳлар аҳоли учун хизмат кўрсатмоқда. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида бизнинг ҳам маҳалла обод бўлди, одамларнинг яшаш сифати ошди, турмуш тарзи юксалди. Ривожланишларнинг замирида юртимизда олиб борилаётган ислохотларимизнинг натижасини кўришимиз мумкин.

Бугун зарафшонликларнинг кўнглидан ўтаётган ҳаётдан розилик, мамнунлик ҳисларига гувоҳ бўлдик, шаҳарда бунёдкорлик, янгиллик, замонавийлик акси уфуриб турибди. Қуёш уфққа бош кўя бошлаган, атрофга зулмат чўккан бўлишига қарамай, Қизилқум саҳросининг қоронғуликларини ёритиб турган сон-саноксиз чироқлар саҳро ичра мўъжиза каби инсон кўли билан бунёд бўлган шаҳарнинг жамолини кўз-кўзлайди. Ривожланиш, тараққиёт илгари борар экан, йил сайин чўллар бўстонларга, замонавий шаҳарларга айланиб бораверади.

Ҳилола ИСМАТОВА,
журналист.



дий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра ана шу мақсадда қабул қилинган чора-тадбирлар дастурининг молиялаштириш манбалари ишлаб чиқилиб, шаҳарда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда бўш турган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилди, — дейди **Ў. Турдиев**. — Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргалик-

теринария бўлими ҳамда "Юлдуз", "Наврўз" маҳаллаларининг бинолари янгидан тикланди. Маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб 4 гектар ерга болалар учун аттракцион ўйингоҳлар, бир зумда овқатланиш, яхна ичимликлар, маиший хизмат объектлари, савдо нуқталари, кўнгилоҳар тадбирлар учун махсус майдон аҳоли фойдаланишига топширилди.

Архитектор сўзлаб берган ҳудудларни биргаликда кўздан кечирдик. Шаҳарнинг истироҳат боғида янги йилда концерт дастури уюштирилган, уйингоҳлар болалар ихтиёрида, аҳоли дам олиши учун сўлим маскан бунёд этилган. Боғдан бироз юрилгач, сунъий кўл жилокор кўринишда

Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги олдидан

БУЮК МУТАФАККИР ИНСОН ВА ИНСОНИЙЛИК ҲАҚИДА

Алишер Навоий улуг донишманд, ҳаёт, инсон, инсонийлик, умр, яшаш моҳиятини теран англаган файласуф сифатида бу тушунчаларни чуқур англайди ва атрофлича изоҳлайди. Шоирнинг "Хамса", шеърӣ девонлари, "Маҳбуб ул-қулуб", "Ҳолотлар"и, "Насойим ул-муҳаббат" ва бошқа асарларида инсон, инсонийлик, уларга хос сифат ва белгиларни баён этади.

Навоий асарларини ўқир эканмиз, инсон, киши, одам, одамизод, халқ, халойиқ, эл, касе, кимса, ким, улус, биров, бировким, раият, олам аҳли, олам эли, даврон эли, даҳр эли, давр аҳли, замона аҳли, башар, башарият каби сўзларни тез-тез учратамиз.

Инсонийлик ва унинг муқобили бўлган одамийлик, одами, кишилик, одамий, одамийлар одами каби сўз ва бирикмалар ҳам шундай. Шоир ўрни билан шеърӣ, насрий асарлари, дostonларида бу тушунчаларга муносабатини билдириб боради.

Навоий "Хамса"сида қайд этилган мавзулар кўлами ниҳоятда кенг. Ҳаёт ҳодисотлари, инсон турмуши, ички кечинмалари билан боғлиқ барча жиҳатлар қаламга олинган. Шоир ўқувчи эътиборини энг муҳим тушунчаларга қаратади. Асарда инсон, инсонийлик белгилари, "одамийлар одамийси", яъни бугуннинг тили билан айтганда, комил шахс ҳақида кўпгина фикрлар учрайди. Навоий инсонни улуғлайди. Унинг кўнгли муқаддас эканлигини такрор-такрор таъкидлайди. Айна пайтда ҳар бир киши эзгу ном қолдириши, умрини яхшиликлар қилиш билан кечириши муҳимлигини уқтиради.

Шоир оламдаги барча нарсаларнинг яратилишидан мақсад инсон эканлигини бир ўринда "Лек бори-дин ғараз инсон эди" дея таъкидласа, бошқа бир байтда "Бор эди инсон гули мақсуд анга", дейди:

**Бу чаман ўлмоғида мавжуд
анга,
Бор эди инсон гули мақсуд
анга.**

Навоий инсонни улуғлайди. Бу номга мушарраф бўлиш олий саодат эканлигини уқтиради. "Лисон ут-тайр" да тирик мавжудотларнинг энг ашрафи — шарафлиси инсон эканлигини таъкидлайди. Одамийга яхши сифатлар кўп. Лекин унинг энг ашрафи — шарафлиси инсоф, дейди Навоий. Ҳақиқий инсонни "одамийлар одамийси" дея баҳолайди. Ва бундай кишининг биринчи белгиси иймон эканлигини айтади:

**Кимки жаҳон аҳлида инсон
эрур,
Билки нишони анга имон эрур.**

Шоир иймонли, ҳақиқий кишиларга хос сифатларни кўрсатиб ўтади. Инсоннинг асосий белгиси иймон. Иймон белгиларидан муҳимлари сабр, шукр, ҳаё, дейди Навоий. Биз буни оддийгина тарзда сабр, шукр, ҳаё маъносида қабул қиламиз. Аммо уларнинг мазмунни ниҳоятда кенг ва хилма-хиллиги билан эътиборни тортади. Шукр, унинг фойдалари, даражалари, ҳақиқати; сабр, унинг турлари, фой-



далари, қисмлари, даражалари; ҳаё, унинг турлари, фойдалари кабилар изоҳланса, моҳият ҳаққоний ечимини топади. Иши элга фойда келтириш, яхшилик қилиш, одоб-ахлоқли, саховатли, қилмиши ростлик ва тўғрилик, сабр-қаноатли, шукр қилиб яшайдиган, ҳалол меҳнатни қадрлайдиган, ширин сўз, нафс ва тамадан йироқ кишиларни ана шу баҳога лойиқ деб билади. Шоир инсоннинг суврати билан сийрати, яъни ташқи кўриниши билан ички дунёси мос тушишини айтади. Айтадиган сўз билан қиладиган иш мувофиқ бўлмаса фойдасиз эканлигини уқтиради:

**Кимники, инсон десанг, инсон
эмас,
Шаклда бир, феълда яқсон
эмас.**

Комил инсоннинг кўнгли, сўзи, кўриниши, феъл-атвори, қиладиган ишлари бир хил бўлади.

Навоий инсонни қадрлаш, унинг дардида яшаш, кўнгилни муқаддас эканлиги ҳақида кўп ёзган. Ҳаммамиз биладиган мана бу байт ана шу фикрларнинг энг юксаги:

**Кимки бир кўнгли бузугнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон
бўлса обод айлагай.**

Навоий бу байтда кўнгли ярим, меҳрга муҳтож, ғаму андуҳли кимсанинг дилига шодлик улашишни Каъбани обод қилишга қиёсласа, "Ҳайрат ул-аброр"да буни янада чуқурлаштиради. Шоир ёзишича, Каъба оламнинг қибласи. Аммо инсон кўнгли каъбаси ундан-да қадрлироқ.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да "одамийлар одамийси", қитъаларидан бирида эса "инсонни комил" жумласини тилга олади. Шоир талқинча, бу номга сазовор бўлишнинг шартин битта. У ҳам бўлса, халққа муносабат, одамларга қилган яхшилик, эҳсон, фойда билан боғлиқ. Навоий талабидаги комил инсонлик шартин жуда баланд. Ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган, машаққатли бир чўққи. Аммо ҳар бир инсонни ана шу улуғвор мақсадга чорлаш, яхшилик сари тарғиб этиш Навоий асарларининг бош гоёси. Шоир бир

байтида шундай ёзган:

**Яхшилик гар қилмаса, бори
ёмонлик қилмаса
Ким, ёмонлик қилмаса,
қилгонча бордур яхшилик.**

Бировга яхшилик қилиш ҳам инсонийлик белгиси. Аммо кишиларга ёмонликни раво кўрмаслик ҳам шу даражада. Шоир "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида Луқмони ҳаким билан боғлиқ бир ҳикматни келтиради. Унда ёзилишича, барча одамларга фойда келтирадиган, зиёни тегмайдиган нарсани нима деган саволга, ёмон одамларнинг бўлмаслиги деган жавоб берилади. Навоийнинг орзуси ҳам бу дунёда ёмон кишиларнинг бўлмаслиги, халққа, юртга фойдаси тегадиган яхшиларнинг кўпроқ бўлиши эди.

Навоий тасаввуридаги мукамал кишининг энг муҳим сифатларидан бири покликдир. Шоир поклик ҳақида гапирганда инсоннинг қайси узвларини назарда тутди? Энг кўп таъкидлагани пок кўнгли, пок кўз, пок тил, пок сўз ва энг юқори ҳукм ўзи поклик:

**Демонким, кўнгли поку ҳам
кўзи пок
Тили поку сўзи поку ўзи пок.**

Халқимиз азал-азалдан инсон ахлоқи, шахс тарбияси, камолоти билан боғлиқ ҳикоятлар, ҳикматлар, ўғитларни муҳаббат билан ўқийди, севади, қалбан, руҳан унга ҳамдамлик сезади. Навоий "Маҳбул-қулуб"да ибратомуз ўғитлар беради, инсон характери билан боғлиқ рангин хусусиятлар ҳақида баҳс юритади. Бу асарни ўқиб, биз ҳақиқий, етук камолотга эга бўлган, ҳар қандай қусур ва камчиликлардан холи инсонни, шунингдек, одамларнинг энг ёмони, "одамсизликда махлуқотдин мумтоз ҳайвонлиқлари кўпу мардумлиқлари оз" кишилар қандай характери эканликларини билиб оламиз.

Хўш, Навоий тасаввуридаги яхши ахлоқли, бенуқсон, юксак камолотли инсон қандай киши? Бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш қийин. Чунки Навоий орзусидаги мукамал шахс инсонга хос барча фазилатларга эга. Аммо шоир орзусидаги етук инсон биринчи навбатда ишқ эгаси. Севган ва севилган шахс. Гўё ишққа йўғрилган, вобаста кўнгул барча фиску фуҷурдан, бахиллигу такаббурликдан холи, пок ва самимий. Ундан ёмонлик зоҳир бўлмайди. Шу боис ҳам Навоий "дардлик кўнгул — шуълалик чароғ", "Ишқсиз кесак, дардсиз эшак", дея дардмандликни, муҳаббат дардига мубталоликни, халқ тақдири йўлидаги безовталикни маъқуллайди, ёқлайди.

Шоир ўзининг "Маҳбул-қулуб"ида "Одамийнинг яхшироғи улдурум, порсо ва пок бўлғай" дея ҳақиқий инсон, инсон деган номга лойиқ киши, албатта, ҳаром-ҳаришдан, ножоиз хатти-ҳаракатлардан сақланувчи, пок киши бўлиши лозимлигини уқтирса, яна бир ўринда "Ўзунг оч бўлуб, бир очни тўқ қил", "Либос ҳар нечаким зебодур, кийганиндин кийдирганин авлодур", дейди.



Шоир фикрича, одамийликнинг нишонаси ўзидан кўра ўзгани кўпроқ ўйлаш, ўзга учун қайғуришни, ўзи оч, яланғоч қолса ҳам, ўзгани тўйинтириб, кийинтира оладиган даражада саҳий, бағри кенг бўла олишдир. Яхши ахлоқли, гўзал фазилатли одам ҳар қандай вазиятда ҳам, оч қолганда ҳам, юпуну яланғоч қолганда ҳам шу ҳолича қолаверади. Шоир ёзганидек, "...хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб".

Бу мисралар халқпарвар, ахлоқпарвар, худбинликни рад этувчи инсон қарашларини ифодалайди. Шоир сўз бошқаю, унинг амалдаги ижроси муҳимлигини сезади. У "Улки, буюруб ўзи қилмағай ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай", деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам, сўзи бошқаю иши бошқа кишиларда тутуруқ, тайин ва лафз бўлмаслиги табиий. Шоир ўз сўзларига амал қиладди. Манбалардан равшан бўладикки, Навоий халқ учун, унинг манфаати учун кўп харажатлар сарфлаган, ўз маблағидан анча хайрли ишларни амалга оширган. Бу эса шоирнинг сўз билан иши мувофиқ, юқоридаги фикрлари асосли, тағзаминга эга ҳақ сўзлар эканлигини аён этади. Умуман, Навоийнинг инсон ўзида сингдириши лозим бўлган, у орзу қилган фазилатларни бир жойга жамласак, шундай қиёфали, характерли бир инсон намоён бўлади. У илмли, маърифатли, ақли, кучли, иродали, меҳрибон, ишқли, вафоли, пок, лафзда ҳалол, халқпарвар, юртсевар ва ҳоказо.

Хўш, Навоий томонидан рад этилган, ярамас ва ёмон баҳосини олган инсон қандай қиёфада? Бунга ҳам шоир ўз асарлари билан жавоб беради. Шоир назарида энг ярамас, инсонийликдан йироқ, халқ севмайдиган, жамиятга манфаати озроқ бўлган бу кишилар, биринчи навбатда халққа жафо ва ситам етказувчи, жоҳил, нодон, нопок, ёлғончи ва алдамчи, кибрли ва мақтанчоқ, фосиқ ва бахил, бевафо ва фаросатсиз бир кимсадир. Шоир хушомадгўй, бизнинг тил билан айтганда, лаганбардор, ўз манфаати, шахсий истаклари, кимгадир ёқиш илинжида ҳар қандай юзсизликдан қайтмайдиганларни ниҳоятда қоралайди. Бундай кишиларнинг "кесилса тили, тутилса дами", дейди. "Тутилса дами" — бу нафаси чиқмаса, тили сўзга келмаса, дегани.

Умуман, Навоий асарларидаги инсон, инсонийлик белгилари ҳақидаги фикрларни жамласак, катта бир китоб бўлади. Шоирнинг бу борадаги қарашларини ўрганиш, хулоса чиқариш, имкон қадар амал қилиш халқ ва жамиятга фақат ва фақат фойда беради.

**Тоҳир ХЎЖАЕВ,
НавДПИ Ўзбек тили ва
адабиёти кафедраси доценти.**

ЭЛДА АЗИЗ ИНСОН

Сув келтирган — элда азий, дейди халқимиз. Зеро, ҳамма замонларда ҳам инсон яшаши учун қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, чорвачилик экин ерларини доимий сув билан таъминлаш ҳамда аҳолини тоза ичимлик сувига бўлган эътиборининг қадри баланд бўлган. Албатта, меҳнати оғир, аммо савоби бу улўф амал инсондан катта фидойилик талаб этади.

"Навоий Сувлойиҳа" МЧЖда чорак асрдан буён раҳбарлик вазифасида фаолият юритиб келаётган Нурфулло Нурматов шахси ҳақида гапирганда ҳам ўз соҳасига жонқуярлик, фидо-корлик кўзга ташланади.

1969-1974 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги-ни механизациялаш инсти-тутини битирган қахрамонимиз узок йиллар Аму-Бухоро магис-траль канали бошқармасида уста (мастер) вазифасида фао-лият юритган. 1976-1978 йиллар-да "Навоий" насос станцияси қурилиши, "Ўртачўл" каналини қурилиб, бетонлаштириш участ-каларини қисмларини тугал-лашда фаол иштирок этган.

Бундан ташқари, фидойи сувчи На-воий вилояти ташкил этилиши билан Сув хўжалиги вазирлигининг вилоят бошқармасида ишлаб чиқариш бўли-ми бошлиғи вазифасида ишлаб, Ўр-тачўл массивидаги янги ерларни ўз-лаштириш, "Ўртачўл", "Қизилтепа ёр-дамчи", "Бўстон" насос станциялари-ни қуриб, эксплуатацияга топширишда фаол қатнашди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ирригация тизими тубдан ўзгарди.

Хусусан, 1991-1996 йилларда



Навбахор гидроузели, "Ўнг қирғоқ" канали иншоотлари, "Конимех", "Чаули", "Шават" каналларини бетон-лаштириш, "Учкара", "Сигма", "Малик", "Конимех-2", "Шават", "Мўминов", "Оқ олтин" каби насос станциялари қури-лишида фаол иштирок этди

1996 йилдан яна бир муҳим вазифа — "Навоий Сувлойиҳа" ташкилот раҳ-бари вазифасига тайинлангач, Н.Нурматов келгуси фаолияти даво-мида вилоятимиз, қолаверса, рес-публика ҳудудлари миқёсида қатор лойиҳаларни амалга оширди. Жум-ладан, Бухоро, Тошкент, Жиззах,

Орамиздаги одамлар

Сирдарё, Фарғона, Наманган ҳамда Хоразм вилоятларида кўплаб мелио-рация объектлари, каналлар, насос станциялари қурилиши, ерларни томчилаб суғориш тизимлари ўрна-тиш бўйича йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Биргина 2007-2011 йиллар мисолида айтадиган бўлсак, Суғори-ладиган ерларнинг мелио-ратив ҳолатини яхшилаш фонди буюртмаси бўйича бўйича вилоятимиз туман-ларида 1488 километрдан зиёд хўжаликлараро зовур-ларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш тиклаш иш-лари олиб борилди. Айниқ-са, сўнгги йилларда бу бо-рада кенг кўламли тадбир-лар олиб бориляпти.

Иш фаолияти ва ҳаёти да-вомида кўплаб шогирдлар етиштирган Н.Нурматов "Ўз-бекистон Республикаси Сув хўжалиги аълочиси" кўкрак нишони ва бошқа кўплаб фахрий му-кофотлар билан тақдирланган.

Қахрамонимиз намунали раҳбар бў-лиши билан бирга турмуш ўртоғи би-лан 4 нафар фарзандни камолга ет-казиб, юрт қорига ярайдиган олий маъ-лумотли инсонлар қилиб тарбиялади.

Ободлик — кўнгалдан бошланади, деганларидек, аввало яратувчанликка иштиёқманд, меҳнатдан қочмайдиган Н.Нурматовнинг фаолияти ҳақиқатан давлатимиз ирригация-мелиорацияси соҳасида муҳим ўринга эгадир.

Усмон ИБРАГИМОВ,
Кармана тумани.

ЭЪЛОНЛАР

O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi boshqaruvi tomonidan 2019-yil 25-mart-da tasdiqlangan Zo'rlik ishlatishdan jabr ko'rgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish hamda o'z joniga qasd qilishning oldini olish respublika mar-kazining Navoiy viloyati Konimex tumani bo'linmasi Nizomining asl nusxasi yo'qolganligi sababli **е'tibordan soqit qilinadi.**

Navoiy viloyati Konimex tumani mahalla va oilani qo'llab-quvvatlash bo'limi.

"ALIBEK-NURLI-KELAJAK-SARI" хусусий корхонасига тегишли бўлган юмо-лоқ муҳр ва тамға йўқолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навбахор туман касб-хунар мактаби (Навбахор "Истиқлол" саноат касб-хунар коллежи) томонидан 2006 йилда Беклашов Нуриддин Эрматович номига берилган қайд рақами №332, К№421874 рақамли диплом йў-қолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навоий вилояти Навбахор тумани 14-умумий ўрта таълим мактаб томо-нидан 2015 йилда Нормуродов Назарбек Салим ўғли номига берилган U № 6927245 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навоий архитектура ва қурилиш коллежи томонидан 2006 йилда Рустамов Санжар Садриддинович номига берилган, №424151 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навоий давлат кончилик институти томонидан 2002 йил 19 июнда Сулейманов Хуршид Гуламович номига берилган, рўйхат рақами №375, В №100047 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **эъти-бордан соқит қилинади.**

Навоий вилояти Конимех тумани 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2019 йилда Шоназарова Орзигул Аҳмад қизи номига берилган, қайд рақами 21, UM №0103966 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навоий педагогика коллежи томонидан 2009 йилда Кулатова Сарвиноз номига берилган тартиб рақами №791, №1500503 рақамли диплом йў-қолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навоий вилояти Нурота туман мактабгача таълим бўлими тасарруфиди-га 8-сон "Feruza" давлат мактабгача туълим ташкилотига тегишли тамға йўқолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навоий давлат педагогика институти томонидан 2006 йил 1 июлда Қул-дошов Сирожиддин номига берилган рўйхат рақами №5046, В №252973 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

Навоий техника-иқтисодий касб-хунар коллежи томонидан 2019 йилда Шодикулов Суннатжон Садир ўғли номига берилган рўйхат рақами №0065 бўлган №551609 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **эътибордан соқит қилинади.**

2019 йил 27 июль куни вафот этган, вафотига қадар Навоий вилояти Нурота тумани "Эски" қишлоғида доимий рўйхатда турган, марҳум Муродова Солиянинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Нурота туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исаев Икром Эшмирзаевичнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий вилояти Нурота тумани Х.Худойкулов кўчаси.
Тел.: 79-523-19-44.

2021 йил 15 июнь куни вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳар С.Айний кўчаси 99-уй, 12-хонадонда яшаган марҳум Фармонов Нуриддин Шамсиевичнинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Турсунов Шерзод Бердикулович нотариал идо-расига мурожаат қилишлари сўралади.

Тел.: 79-210-00-28.

2021 йил 20 июнь куни вафот этган, вафотига қадар Навоий шаҳар "Ёшлик" маҳалласи "Бахт" кўчаси 46-уйда яшаган, марҳум Эннанов Амет Эбуталиевичнинг мол-мулкига мерос иши мав-жуд бўлиб, меросхўрлар Навоий шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Турсунов Фирдавс Ақтам ўғли нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Навоий вилояти Навоий шаҳар Навоий кўчаси 36А-уй.
Тел.: 93-158-73-77.

2021 йил 24 июль куни вафот этган, вафотига қадар Навоий вилояти Навоий шаҳар Ёшлик кўчаси 4-уй, 3-хонадонда яшаган марҳум Рутчина Елена Николаевнанинг мол-мулкига мерос иши мавжуд бўлиб, меросхўрлар На-воий шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғул-ланувчи нотариус Турсунов Шерзод Берди-кулович нотариал идорасига мурожаат қилиш-лари сўралади. **Тел.: 79-210-00-28.**

МУАССИС:

"Do'stlik bayrog'i" va "Знамя дружбы" gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Бош муҳаррир
Бектемир
ПИРНАФАСОВ

ТАХРИРИЯТ

МАНЗИЛИ: 210105,
Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй, «Матбуот уйи» биноси.

ТЕЛЕФОНЛАР:

қабулхона –
79-224-75-04,
бош муҳаррир ўринбосари –
79-224-64-96,
муҳбирлар –
79-224-28-43,
79-224-10-46,
реклама ва маркетинг бўлими –
79-224-18-97,
девоҳхона –
79-224-77-45.

Газета Навоий
вилояти матбуот ва
ахборот бошқар-
масида 2011 йил
25 мартда 07-001-
рақам билан қайта
рўйхатга олинган
Индекс: 4502, 4503

Тахририятга келган
хар бир хат
эътиборда!

Тижорат материал-лари белгиси остида чоп этилган



Ҳажми 2 табоқ.
Адади 1000.

Саҳифаловчи:
О. Нортажиев.

"Do'stlik bayrog'i" va "Знамя дружбы" gazetalari tahririyati" МСНЖнинг матбаа бўлимида офсет усулида босилди.

Манзил: 210105,
Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй. Формат А-3. Буюртма № Чоп этиш вақти – 09.40 Топширилди – 09.00

Газета ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади.

IKKI KO'ZIM QORASI — VATAN

GULXONA YURTIM

Sevinch qo'ngan ko'zlarimda yosh,
Jilmayadi samoda quyosh,
Qutlay seni, jo'shib ey yurtidosh,
Bayram bugun to'yxona yurtim,
Dunyo bo'ston gulxona yurtim!

Ohu kezar atrofi chaman,
Shu yurt menga to'abad maskan,
Topolmasman bundayin Vatan,
Takrorlanmas suyuqligimsan,
Ishqida jon kuyukligimsan!

Buloq bo'lib bag'ringda kulsam,
Nafi tegar bir maysang bo'lsam,
Tuprog'ingga bosh qo'yib o'lsam,
Armonsizman suygim — Vatan,
Sen tolei buyugim Vatan!

Bog'-rog'laring bo'yingga libos,
Tuprog'ing zar ey, bobo meros,
Qo'ydim senga abadiy ixlos...
Qadr topgan qadrdonimsan,
O'zbekiston onajonimsan!

Barcha millat bunda do'st-qardosh,
Biri ko'zim, biri qora qosh,
Yurtim meni jannatga yondosh,
Bayram bugun to'yxona yurtim,
Dunyo bo'ston — gulxona yurtim!

DENGIZDA YASHAGIM KELAR...

Dengizda yashagim kelar, dengizda,
Ko'zimning yoshlarin ko'rmasdi bashar.
Ishqimga so'zga tushgan, ishqim tengsiz-da,
So'zim lashkarlari bo'lsin muzaffar.

Dengiz saltanati ajib bir olam,
Bunda joni borki iltifotda keng.
Men-chi soflik muhibi so'zlarim — nalam,
Ko'nglim bo'yi ummon bo'ylariga teng.

Suv osti dunyosi. Sokinlik — qiroi,
Podshohning amrini hech kim buzolmas.
Suv husni bebaho, suvning yuzi ol,
Yaratgan tuzganday hech kim tuzolmas.

Dengizga bir qarang, hadsiz dengizga,
To'lqinlar mavjlari ishqim navosi.
Mening so'z lashkarim muhibi Siz-da,
Dengizning dovuli qalbim sadosi.

TAXAYYUL

Jilovlanmas yuragim — saman,
Ertaklarga uchar beqanot.
Oloviddin chirog'in yoqib
Ko'hna ishqni qilmoqchi isbot.

Saman otim — ko'zlari chaqnoq
Oy silaydi peshonasidan.
Qanotini qirgar bo'lsam gar,
Yer titraydi har nolasidan.

Ajdarlar-chi olovi so'ngan,
Irodasin toblaydi o'tda.
Men osmonga qo'limni cho'zsam,
Ko'nglim o'zin topar sukutda.

Yalmog'izlar bunda xushsurat,
Chiqaryapti ko'pdan yaxshi ot.
Kengliklarda Samanday yelgan,
Yurakkimam bunda qilmas dod.
Jilovlanmas yuragim uchar...

VATAN

Bobotog'lar tarix so'zlagan,
Eliborim elin o'ylagan,
Tinchlik kunda shodon kuylagan,
Hofizlarim ovozi — Vatan!

Bobom bag'ri to'la nabira,
Dunyo ko'rdim nolimam sira,
Qaldirg'ochim, kelgin in qur-a,
Suygan qushim parvozi — Vatan!

Dov-daraxtlar qushlarga makon,
Baliqqa suv topilmas oshyon,
Oltin tuproq, musaffo osmon,
Ikki ko'zim qorasi — Vatan!

Muhayyo NAZAROVA,
Navbahor tumanidagi 2-umumta'lim
maktabi ijodiy-madaniy masalalar
bo'yicha targ'ibotchisi.



UMR O'TIB KETAR, BO'LAR ERTA KECH

ONA

Onajon, hordingmi hayot g'amidan,
Bolang tashvishi-yu, ko'ngling kamidan?!
Barcha bolalaring dilxush, baxtiyor,
Sen bilan, onajon, kimning ishi bor?!

Yakka uy ichida uy qo'riqlaysan,
Yuraging tubida nalar o'ylaysan?!
Qizing ham, o'g'ling ham baxtidan sarxush,
Bu hayot sen uchun og'riqli bir musht.

Sen hamon kutasan yuzda ajining,
Ko'zda nuring hatto qilar xiyonat!
Onajon, sen bilan kimning ishi bor?!

Qadring bilishadi, sen ham omonat.

Bir on o'zing-chun yashadingmi hech?!
Farzandlar g'amidan endi butkul kech!
Biroz yayrasang-chi hayot bag'rida,
Umr o'tib ketar, bo'lar erta kech!

Oh, onam bolishim ho'l bo'ldi bugun,
Qadring bilmagan farzandlar uchun.
Onalar dilidan chiqmasdan tutun,
Borida qadrlang, ey bag'ri butun!

TO'YIB YIG'LAB OL...

Yig'lama, go'dagim, hayot bag'riga,
Endi kelding hali, tin olgin bir pas!
Onang orom olar, buzma uyqusin,
Yuraging ovozi unga yetar, bas.

Yig'lama, go'dagim, hayot beshafqat,
O'liklar tinchini buzma, qo'zichoq.
Yuraklarni vayron qilmagin faqat,
Bag'rimiz olovdir, bolajon, shu choq.

Yig'lama, go'dagim, ko'z yoshing qolsin,
Axir yig'lagulik hayot oldinda.
Qo'y, bolam, onangni malaklar olsin,
Bo'ldi, yuraklarni ezma, bas, tin-da.

Qanday yig'lamaslik mumkun bu holga?!
Chidamim yetmaydi bunday ahvolga.
Yig'lagin, bolajon, bag'ringga bosib,
Onang ketayotir butkul osmonga...

Siz bulutsiz, mayliga, osmon bo'lgim keladi,
Bu ishqning bozorida sarson bo'lgim keladi.
Siz dilimda pinhonsiz, yuragim siz-la bekik,
Qulfni ochib el ichra doston bo'lgim keladi.
Bormoqqa qarorim yo'q, ko'rmaslikka toqat yo'q,
Oyog'ingiz ostida bo'ston bo'lgim keladi.
Siz hidlabsiz boshqa gul, unutibsiz gulshanni,
Bir eslamog'ingiz uchun tikon bo'lgim keladi.
Biz bilan suhbat qurmoq siz uchun noravodir,
Siz uchun bir lahzalik xayol bo'lgim keladi.
Visolingiz men uchun chunon baland qoyadir,
Mehringiz tushgan tanho ayol bo'lgim keladir!

Nafisa RAJABOVA,
Zarafshon shahridagi 2-umumta'lim maktabining
ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchisi.

Fakt va raqamlar

XIZMATLAR SOHASI 13,6 FOIZGA OSHDI

Navoiiy viloyatida 2022-yilning 1-yanvar holatiga faoliyat yuritayotgan xizmatlar sohasidagi korxonalar soni 14779 tani tashkil etib, bu ko'rsatkich o'tgan yilning shu davriga nisbatan 13,6 foizga oshishiga erishildi.

Bundan tashqari, 2021-yilning yanvar-dekabr oylarida ko'rsatilgan bozor xizmatlari hajmi 7 442,5 milliard so'mni tashkil etgan holda o'sish sur'ati 118 foizga bajarildi.

2021-yil yanvar-dekabr oylarida ko'rsatilgan xizmatlarning 3 trillion 47,4 milliard so'mi yoki 40,9 foizi yirik korxonalar hissasiga to'g'ri kelayotgan bo'lsa, 1 trillion 149,8 milliard so'mi (15,5 foiz) kichik korxonalar va mikrofirmalar hissasiga hamda 3 trillion 245,3 milliard so'mi esa (43,6 foiz) norasmiy sektor ulushiga to'g'ri kelmoqda.

N. RAHMATOV,
viloyat statistika boshqarmasi
bosh mutaxassisi.



MOBIL REPORTYOR

Aziz navoiyliklar!

Siz tasodifan favqulodda qiziq holatga, kam uchraydigan g'ayritabiiy hodisaga, kishilarning o'zini noodatiy tutishiga, viloyatimiz hududida umuminsoniy me'yorlarga zid, atrofdagilarning loqayd munosabati bilan bog'liq ahvolga guvoh bo'ldingizmi?

Bularning barchasini qo'l telefoningizga muhrlang va **@bosh_muharrir** Telegram manziliga yuboring. Tanlab olingan fotofaktlar **navoinews_official telegram-kanali, "Do'stlik bayrog'i" va "Znamya drujbi" gazetalari sahifalarida "Mobil reportyor"** rukni ostida muntazam chop etiladi.

Asosiy shart — tezkorlik, aniqlik, xolislik.

Suratlar va sharhlarni jo'natayotganda, albatta, ism-familiyangiz, telefon raqamingiz va shaxsni tasdiqlovchi hujjat nusxasini ham taqdim etishni unutmang.

Eng yaxshi material mualliflari har oy yakuni bilan o'rnatilgan tartibda rag'batlantiriladi.

Qo'shimcha ma'lumotlar uchun: 79-224-77-45.